



ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИ ТРАНСФОРМАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ЧАКАНА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Асқаров Сарвар Анвар ўғли -

Тошкент давлат иқтисодий университетини,
таянч докторант

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a21

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон банк тизimini трансформация қилиш шароитида чакана банк хизматларини ташкил этишдаги меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг йиллар давомида такомиллаштириши, сўнги йилларда чакана банк хизматларини такомиллаштиришга хизмат қилган фармон ва қарорлардаги долзарб жиҳатлар таҳлил қилинган. Ўзбекистон банк тизimini трансформация қилиш шароитида чакана банк хизматларини ташкил этиш ҳақида иқтисодчи олимлар фикр-мулоҳазалари ҳамда муаллиф ёндашувлари ва фикрлари келтирилган.

Таянч сўзлар: чакана банк хизматлари, кредит бериш, банк карталари, банккомат, тўлов терминали.

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ОРГАНИЗАЦИИ РОЗНИЧНОГО БАНКОВСКОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ТРАНСФОРМАЦИИ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА

Аскарлов Сарвар Анвар угли -

Ташкентский государственный экономический
университет, базовый докторант

Аннотация. В условиях трансформации банковской системы Узбекистана, совершенствования нормативно-правовой базы организации розничного банковского обслуживания за прошедшие годы актуальные аспекты указов и решений, послуживших совершенствованию розничного банковского обслуживания за последние годы анализируются. Представлены мнения экономистов и авторские подходы и взгляды на организацию розничного банковского обслуживания в условиях трансформации банковской системы Узбекистана.

Ключевые слова: розничные банковские услуги, кредитование, банковские карты, банккомат, платежный терминал.

LEGAL BASIS OF ORGANIZATION OF RETAIL BANKING SERVICES IN THE CONDITIONS OF TRANSFORMATION OF THE BANKING SYSTEM OF UZBEKISTAN

Askarov Sarvar Anvar ugli -

Tashkent State University of Economics,
doctoral student

Abstract. In the context of the transformation of the banking system of Uzbekistan, the improvement of regulatory and legal frameworks for the organization of retail banking services over the years, the current aspects of decrees and decisions that served to improve retail banking services in recent years are analyzed. Opinions of economists and author's approaches and opinions about the organization of retail banking services in the conditions of transformation of the banking system of Uzbekistan are presented.

Key words: retail banking services, lending, bank cards, ATM, payment terminal.

Кириш. COVID-2019 пандемияси шароитида банк миждозларига чакана банк хизматларини кўрсатиш бўйича анъанавий хизмат кўрсатиш усулларидадан воз кечган ҳолда рақамли банк хизматлари орқали амалга ошириш банклар ўртасидаги рақобатни кучайтиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистонда ҳам чакана банк хизматлари банк даромади ва рақобатбардошлигини таъминлашда истиқболли йўналишлардан бирига айланмоқда.

Айни пайтда банк хизматлари бозорида чакана банк хизматлари алоҳида ўрин тутиб, улар, асосан, масофавий банк хизматларидан фойдаланмаётган ва банк хизматларини банк амалиёт бўлимларида амалга ошираётган миждозларнинг талабини қондиришга йўналтирилмоқда. Маълумки, чакана банк хизматлари ўзи-

нинг бир нечта хусусиятларига алоҳида эътибор бериш лозим, хусусан, асосий истеъмолчилар сифатида жисмоний шахслар майдонга чиқади, операциялар ҳажми кичик бўлса-да, корпоратив банк хизматларига нисбатан харажатлар юқорироқ бўлади, чунки корпоратив миждозларнинг ходимлари ҳам бир вақтнинг ўзида банкнинг чакана банк хизматларидан фойдаланади ва ўзининг шахсий талабларини қондириш учун банкнинг чакана банк хизматларидан кенг фойдаланиши мумкин [1].

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Банклар томонидан ишлаб чиқарилган хизматлар, албатта, даромадга йўналтирилган, аммо бир вақтнинг ўзида миждозлар талабидан келиб чиқиб хизматлар кўрсатиш керак. 1970 йилдан бошлаб, банклар томонидан миждозлар талабларини

қондириш учун банк технологиялари ва дастурий таъминотлар ишлаб чиқариш кенг оммалашди.

Даставвал, чакана банк хизмати ёки “retail” сўзининг маъносини англашдан бошла- сак. “retail” сўзи кўпгина хорижий тилларда тур- лича талқин этилади. “Retailing” термини инг- лиз тилида “чакана савдо” маъносини англатса, “retailer” сўзи француз тилида “бирон-бир нар- сани бўлақларга бўлиш” деган маънони билди- ради [2].

Яъни иқтисодчи олим Д.Гилбертнинг фик- рича, чакана савдо билан шуғулланувчи шахс йирик ҳажмдаги товарларни олиб, уларни “ин- дивидуал истеъмолчиларга сотиш мақсадида кичик миқдорларга тақсимлайди” [3]. Бу билан чакана савдони кўп марта такрорланадиган майда савдо сифатида таснифлайди. Шу билан товар ва хизматларнинг чакана савдоси якуний истеъмолчилар учун мўлжалланган, деб ифода- лайди.

Рус иқтисодчи олими И.Киселева банк хизматларини махсус (анъанавий – депозит, кредит ва ҳисоб-китоб) ва номахсус (ноанъана- вий – кафолатлар, кафилликлар ва ишонч опе- рацияси) хизматларга ажратади. Анъанавий (касса амалиётлари) ва ноанъанавий (воситачи- лик хизматлари, ишончли амалиётлар, кафолат- лар ва кафилликлар бериш ва ҳ.к.), улар ўртаси- да оралиқ амалиётлардир. Тўловга қараб банк хизматлари пулли ва бепулларга бўлинади. Банк хизматларини таснифлашнинг асосий ме- зонларидан бири банк ресурсларини жойлашиш ва шакллантириш усулига кўра ажратиш ҳисоб- ланади [4].

Хусусан, А.И.Жуков банк хизматларига қу- йидагича таъриф беради: “Тижорат банклари хизматлари банк фойдасига маълум бир ҳақ олиш эвазига, мижознинг талабига биноан банк операцияларини бажаришдир” [5]. Банкларнинг молиявий хизматларига лизинг, факторинг, форфейтинг, траст амалиётларини киритади [6].

А.А.Науменко илмий тадқиқотларида банкларнинг мижозларига чакана хизматларни кўрсатишда жисмоний шахслар (банкларнинг хусусий мижозлари) ва кичик бизнес субъектла- ри (хусусий тадбиркорлар) турларига ажра- тади [7].

Чакана банк баъзан истеъмолчилар банки “consumer banking” ёки шахсийлашган банк “personal banking” деб ҳам аталади. Бу чакана мижозлар ва алоҳида истеъмолчиларга молия- вий хизматларни кўрсатувчи банкдир. Чакана банк чакана истеъмолчилар учун пулларини бошқариш, кредит олиш имконияти ва пуллари- ни ишончли тарзда депозитга қўйиш, жамғарма ҳисобварақлари, ипотека кредитлари, шахсий кредитлар, кредит карталар ва депозит серти-

фикатлар билан хизмат кўрсатишдир.

Банкларда чакана банк амалиётлари (retail banking) банк фаолиятининг алоҳида йў- налиши бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларга ҳисобварақ очиш ва ҳисоб-касса, депозит ва кре- дит хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа кўплаб банк товарлари ва хизматларини таклиф қилишга айтилади.

Кўплаб иқтисодчилар эса чакана банк хиз- матларини уч йирик гуруҳга бўлишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, биринчи гуруҳ олимлари чакана банк хизматларини “майда мижозларга кўрсатиладиган хизмат” деб кўрсатсалар, ик- кинчи гуруҳ олимлари уни “банк филиалларида мижозларга кўрсатиладиган хизмат” деб тушу- надилар, учинчи гуруҳ иқтисодчилари эса чака- на банк хизматларини оммавий банк хизматла- ри бўлиб, уни амалга ошириш шартлари ва ассортимент (турлари) олдиндан белгилаб қўйилгандир, деб таъкидлайдилар. Бундай хиз- матлар жисмоний шахсларга мўлжалланган бў- либ, у индивидуал характерга эга эканлигини кўрсатишга ҳаракат қиладилар [8].

Тадқиқот методологияси. Ўзбекистон банк тизимини трансформация қилиш шароити- да чакана банк хизматларини ташкил этиш- даги меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг йиллар да- вомида такомиллашиши бўйича иқтисодчи олимлар ва соҳа вакилларининг фикр ва муло- ҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жа- раёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жара- ёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибала- ри билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Банк- нинг мижозларга хизмат кўрсатиш фаолияти корпоратив ва чакана секторларга бўлинади. Ҳозирги шароитда банк тизимининг тараққий этиши ва рақамлашиб бориши билан банк хизматларини корпоратив ва чаканага ажратиш биров қийинлашиб бормоқда. Яъни кўпгина хизматлар корпоратив сифатида бошланади ва чакана хизмат сифатида тугайди ёки аксинча. Масалан, юридик шахслар билан иш ҳақи бериш бўйича шартнома тузилади ва жисмоний шахс- лар пировардида банк хизматларидан чакана фойдаланувчига айланади.

Банк мижозларининг банк хизматларига бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда ча- кана банк хизмат турларини келтириб ўта- миз.

1. Жисмоний шахслар учун ҳисоб-китоб хизматлари ёки чакана тўловлар жисмоний шахс тўловчи ёки олувчи сифатида иштирок этадиган тўловлардир. Банк бундай хизматлар- ни, қоида тариқасида, аҳолига шахсий истеъмол учун товарлар ва хизматлар сотиб олаётганда кўрсатади, бунга жисмоний шахсларнинг корхо- налар ва ташкилотлар билан ҳисоб-китоблари,

шунингдек, бир жисмоний шахсдан бошқасига банк ўтказмалари киради. Аҳоли учун ҳисобкитоб ва касса хизматлари ёки чакана тўловлар, одатда, бир марталик операция (маълум бир маҳсулот ёки хизматни сотиб олиш) ёки даврий тўловларни (ижара, коммунал тўловлар ва шу кабилар) назарда тутувчи шартнома муносабатлари билан боғлиқ.

2. Аҳоли маблағларини инвестициялаш, яъни жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаш ва кўпайтириш хизматларидир. Бу хизматлар омонат очиш, банк қарз қимматли қоғозларини сотиб олиш, маблағлардан қимматбаҳо металлларни сотиб олиш учун фойдаланиш, брокерлик хизматлари шартномалари асосида пул маблағларини қимматли қоғозларга жойлаштириш, фуқароларнинг пул маблағлари ва қимматли қоғозларини ишончли бошқариш, шунингдек, пул маблағларини депозитга кириштириш йўли билан амалга оширилади.

3. Жисмоний шахсларга кредит бериш. Банк хизматининг бу тури аҳолига жорий даромадидан ташқари ва ўз жамғармалари яратилгунга қадар истеъмолни ошириш имконини беради. Банк хизматларининг бу тури аҳолининг самарали талабини кенгайтиришни таъминлайди, бу эса товар айирбошлашнинг ўсишини рағбатлантиради, товар ва хизматларни сотишни тезлаштиради.

4. Валюта айирбошлаш хизмати, яъни нақд ва нақд бўлмаган хорижий валюталарни ўзбек сўмига ва аксинча.

5. Қимматбаҳо нарсаларни сақлаш ва ташиш бўйича хизматлар банк томонидан жисмоний шахсга қимматбаҳо нарсаларни сақлаш учун сейф ёки уларни ташиш учун инкассо автотранспорт воситасини ижарага бериш йўли билан кўрсатилади. Бунга турли хил хизматлар киради, масалан, банкнотларни ҳисоблаш ва текшириш, миждозга нақд пул етказиб бериш.

6. Консалтинг-ахборот хизматлари жисмоний шахсларнинг банк фаолияти, уларга кўрсатилаётган хизматлар, уларнинг сифати ва миқдори тўғрисида ахборот олишга бўлган эҳтиёжини қондиради.

Санаб ўтилган хизматлар жисмоний шахсларнинг банк фаолиятига бўлган асосий эҳтиёжларини қондиради. Уларнинг асосида бир ёки бир нечта банк хизматларини ўз ичига олган жуда кўп миқдордаги банк маҳсулотлари ишлаб чиқилмоқда.

Ўзбекистон банк тизимида чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги ва миждозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлар ва банк хизматларини рақамлаштириш даражасининг жуда паст эканлиги, ортиқча бюрократия ва овворагарчилик ҳолатлари мав-

жуд эди. Бугунги кунда банкларнинг трансформациялашуви натижасида банк хизматларини рақамлаштириш ва масофадан кўрсатиш бўйича кўплаб инновацион ечимлар қилинмоқда. Банк хизматларининг рақамлашиши ва кескин бошқа шаклга ўзгариши каби жараёнларни мувоффиқлаштириш ва тартибга солиб туришни талаб этади. Демак, банк хизматларини, хусусан, чакана банк хизматларининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бориш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон банк тизимида чакана банк хизматларининг ташкил топиши ва уларнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ривожланиб боришини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқич 1991-2000 йилларни ўз ичига олиб, банк хизматлари яратилишига асос бўлган қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатлардан ташкил топса, иккинчи босқич 2001-2010 йиллардаги чакана банк хизматларига оид қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларни ўз ичига олади. Учинчи босқич эса 2011 йилдан ҳозиргача бўлган даврни ўз ичига олади, бу даврда чакана банк хизматлари бозорида кескин ўзгаришлар бўлди ҳамда фармон, қарор ва меъёрий ҳужжатлар такомиллаштирилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ЎРҚ-582-сонли, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 ноябрдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-580-сонли, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 ноябрдаги «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги ЎРҚ-578-сонли, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 ноябрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ЎРҚ-573-сонли, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 23 октябрдаги «Гаров реестри тўғрисида»ги ЎРҚ-356-сонли қонунлари[9], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбир-

лар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5349-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ««Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4797-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4400-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ««Электрон ҳукумат» тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4328-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги «Рақамли иқтисодиёт ва «Электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4321-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3945-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги ««Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ПҚ-3777-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашuvi даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3066-сонли қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Марказий банк қарорлари, банкларнинг ички тартиб-қоидалари ва қонуности бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва мавжудлари бугунги кун талабига жавоб берадиган шаклда қайта қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ЎРҚ-582-сонли қонунига асосан Марказий банк назорат тадби-

рини ўтказишга ҳақли бўлиб, унинг жараёнида Марказий банк ходимлари кредит ташкилоти томонидан банк хизматларининг истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга ошириш чоғида ўз фаолиятига қўйиладиган талабларга риоя этилишини текшириш мақсадида кредит ташкилотининг фаолияти доирасида ҳаракатларни амалга ошириши ва банк филиали ёки банк хизматлари офисини очиш ёки тугатиш, микромолия ташкилоти филиалини очиш ёки ёпиш каби ҳуқуқларга эга [10].

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 ноябрдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-580-сонли қонунига кўра, банклар Ўзбекистон Республикасида филиаллар, банк хизматлари офислари ва бошқа алоҳида бўлинмалар очиши мумкинлиги ва бу тўғрисида Марказий банкка белгиланган тартибда хабарнома юбориш орқали хабардор қилиши лозим. «Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш» номли 9-боб 65-моддага кўра, банк хизматларининг истеъмолчилари банкни ва банк хизматларини эркин танлаши, истеъмолчининг талабига биноан унга банк хизматларини кўрсатиш шартлари, воситачилик ҳақи, тарифлар ва банк хизматлари кўрсатганлик учун фоиз ставкалари тўғрисидаги ахборот билан танишиш имкониятини тақдим этиши шартлиги келтириб ўтилган [11]. Бундан кўриниб турибдики, истеъмолчилар банк танлашда ҳам, хизматларидан фойдаланишда ҳам эркин эканлиги, банклар уларни ўз хизматларидан фойдаланиш бўйича мажбурлашга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 ноябрдаги «[Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида](#)»ги ЎРҚ-578-сонли қонунида келтирилишича, товарлар ва хизматларни чакана реализация қилишни амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларнинг тўловлари, банк карталаридан фойдаланган ҳолда, қабул қилиниши шарт. Чакана тўлов тизимида банк карталарининг ўрни беқиёс, хусусан, қонуннинг 14-моддасига кўра, банк карталарини чиқариш, электрон пулларни ва банк карталарини реализация қилиш мумкинлиги ҳамда уларни тўлов хизматларининг турлари эканлиги қайд этилган [12].

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 ноябрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ЎРҚ-573-сонли қонунида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар (ишлар, хизматлар) учун барча ҳисоб-китоблар ва тўловлар Ўзбекистон Республикаси валютасида амалга оширилиши, товарлар (ишлар, хизматлар) учун тарифлар, нархлар, шу жумладан, миллий электрон савдо майдончаларидаги шундай тарифлар, нархлар, шунингдек, юридик шахсларнинг устав

фондлари (устав капиталлари) миқдорларига доир талаблар ҳам фақат Ўзбекистон Республикаси валютасида амалга оширилиши белгиланган. Қонунда назарда тутилган мустасно ҳол-

ларда ва банк хизматларини амалга ошириш билан боғлиқ операцияларда валюта билан боғлиқ ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин[13].

1-жадвал

Сўнгги йилларда чакана банк хизматларини такомиллаштиришга хизмат қилган фармон ва қарорлар

2011-2022 йиллар	«Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, «Гаров реестри тўғрисида»ги қонунлари	Электрон пуллар, банк карталари, валютада банк хизматларини амалга ошириш ва тўловларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги, «Ипотека кредити механизми тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги, «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлари	Чакана банк хизматлари имкониятларини кенгайтириш, реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисоб-китобларни бошқариш, банк ва мижоз ўртасидаги муносабат-ларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шу жумладан, иқтисодиёт тармоқларининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, рақамли технологияларга асосланган молиявий хизмат турларини янада кенгайтириш масалалари
	Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ««Электрон ҳукумат» тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Рақамли иқтисодиёт ва «Электрон ҳукумат» тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ««Ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги, «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари	Чакана банк хизматлари бозорини ривожлантириш, чакана тўлов тизимларининг хавфсизлик, узлуксизлик ва ишончлилик даражасини ошириш, банк хизматларининг янги турлари ва маҳсулотларини кўпайтириш, виртуал карталарни жорий этиш, мобил телефонлар ва бошқа қурилмалар ёрдамида алоқасиз тўлов тизимини (NFC тўлов) жорий этиш масалалари

Манба: муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармонида молия ва банк соҳаларида ишлаб чиқариш ва операцион жараёнларни автоматлаштириш, банк хизматлари он-лайн турларини кенгайтириш ҳамда кредит ажратиш бўйича таҳлилларни автоматик тарзда амалга ошириш бўйича скоринг тизимларини жорий этиш ва сунъий интеллектни мамлакатимизда муваффақиятли амалга ошириш учун «Сунъий интеллект технологияларини 2023-2030 йилларда ривожлантириш стратегияси»ни ишлаб чиқиш[14] каби аниқ мақсадлар банкларда хизмат кўрсатиш жараёнларини автоматлаштириш, рақам-

лаштириш натижасида чакана банк хизматларининг янги йўналишларда ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли фармонида юқори технологияли молиявий хизматларни тақдим этувчи компаниялар («фин-тех» компаниялар) фаолиятини йўлга қўйиш, чакана кредитлаш субъектлари фаолиятини йўлга қўйиш, жисмоний шахсларни тўғридан-тўғри кредитлаш механизмлари, краудфандинг ва бошқа муқобил инструментларни жорий қилиш масалалари банклар учун аниқ режалар ва устувор вазифа-

лар сифатида белгилади. Бундан ташқари потенциал таваккалчиликларни баҳолаш сифатини ошириш ва қарорлар қабул қилиш жараёнини оптималлаштириш мақсадида давлат иштирокидаги банкларда кредитлаш механизмларини такомиллаштириш мақсадида юқори малакали андеррайтерлар гуруҳларини ташкил қилиш, хизмат кўрсатиш жараёнларини оптималлаштириш ва модулли (“бир хил”) кредит маҳсулотларини жорий қилиш ҳамда уларнинг банк кредит портфелидаги улушини ошириш орқали тез ва кам харажатли чакана банк хизматлари турларини кенгайтириш ҳамда банкларнинг скоринг тизимларини янада такомиллаштириш масалалари ҳам ҳал этилиши лозим бўлган вазифа эканлиги келтирилди [15].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли фармонига асосан 2020 йил 1 июндан бошлаб давлат улушига эга бўлган банклар трансформацияси бўйича “йўл харита”ларини амалга оширишга киришилди, шу жумладан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш чоралари кўрилди [16]. Хусусан, 2020 йилда 200 та банк хизматлари офисларини ташкил этиш, 2,4 млрд. АҚШ доллари миқдорда хорижий кредит линияларини жалб қилиш ва самарали ўзлаштириш, “кредит тарихи” ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармонига асосан Ўзбекистон Республикасида арзон уй-жойлар ва кўп квартиралар уйлар қуришни кенгайтириш, соҳага янги архитектура ва техник ечимларни жорий этиш орқали аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш, аҳолининг уй-жой шароитларини янада яхшилаш, жисмоний шахсларга ипотека кредити беришни ривожлантириш, банклар томонидан молиялаштиришни босқичма-босқич ошириш, шунингдек, уй-жойга муҳтож оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда манзиллилик ва шаффофликни кучайтириш лозимлиги келтириб ўтилди. Банклар жисмоний шахсларга ипотека кредитини ажратишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 20 йил муддатга ажратилган пул маблағлари ва банкларнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилади [17].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2020 йил 5 октябрдаги ««Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сонли фармонига асосан тижорат банклари томонидан мижозларга масофавий банк хизматлари, шу жумладан, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш қўлами ва сифатини ошириш, миллий тўлов инфратузилмасида NFC технологияси билан таъминланган воситалар орқали (тўлов картасидан фойдаланмаган ҳолда) контакtsiz тўловларнинг оммабоплигини ошириш ва қўламини кенгайтириш ҳамда халқаро EMV стандартларига мувофиқ тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи QR-on-line тизими орқали амалга ошириладиган тўловларнинг оммабоплигини ошириш ва қўламини кенгайтириш масалалари чакана банк хизматларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ундан ташқари кенг тармоқли (электрон ҳамён, микромолиялаштириш, тижорат хизматлари тўловларини амалга ошириш имкониятини берувчи ва ҳ.к.) электрон маблағ тизимини (E-money) ишлаб чиқиш масаласи ҳам фармонда муҳим аҳамият касб этади [18].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли қарорида чакана банк хизматлари бозорининг паст даражада ривожланганлиги ва мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйишнинг замонавий ёндашувлари мавжуд эмаслиги ортиқча бюрократия ва сансалорликка олиб келганлиги, банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича давлат процессинг ташкилотининг мавжуд эмаслиги чакана тўлов тизимларининг хавфсизлик, узлуксизлик ва ишончлилик даражасига таъсир кўрсатмоқда ҳамда аҳолининг кенг қатламлари учун очиқ бўлган инновацион лойиҳаларни амалга оширишда замонавий технологик ечимларни илгари суришга тўсқинлик қилаётганлиги, банк хизматларининг янги турлари ва маҳсулотларини аниқлаш ҳамда уларни кейинчалик республика банкларида жорий этиш мақсадида илғор чет эл банк фаолиятини ўрганиш вазифалари белгилаб берилди [19].

Сўнгги йилларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш натижасида нақд пулларнинг банкдан ташқари айланишини қисқартирди, тўловларни амалга ошириш жараёни сезиларли даражада осонлаштирилди ҳамда масофавий банк хизматларини кўрсатиш тизимлари оммалашди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3945-сонли қарорига асосан

QR-кодларга асосланган стандартлаштирилган ва универсал тўлов тизимини ишлаб чиқиш, масофадан мижозларни идентификация қилиш тизимини яратиш, виртуал карталарни жорий этиш, мобил телефонлар ва бошқа қурилмалар ёрдамида алоқасиз тўлов тизимини (NFC тўлов) жорий этиш каби вазифалар белгиланди.

Олиб борилган ишлар натижасида фойдаланувчиларнинг банк карталари ва бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб турларига хавфсиз ва қулай тўлов воситаси сифатида бўлган ишончи ошди. Шу билан бирга, эришилган ютуқлар билан бирга тўлов тизимларини такомиллаштириш ва уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш учун замонавий технологик ечимларни жорий қилиш борасида айрим камчиликлар учраб турибди [20].

Хусусан, чакана тўловларни мувофиқлаштириб турувчи давлат процессинг марказининг мавжуд эмаслиги миллий тўлов тизимидаги хавфсизлик даражасини камайтирмоқда, тўлов инфратузилмасининг ягона интеграллашувига имкон бермаяпти ҳамда тизим монопол бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли қарорида банк хизматларини ривожлантириш ва оммабоплигини ошириш борасида кўплаб вазифалар белгилаб берилди. Ундан ташқари тизимдаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараб этиш бўйича чора-тадбирлар ҳам ишлаб чиқилди [19].

Шу ўринда кредитларни ажратиш бўйича қарорлар қабул қилишда ваколатларнинг ҳаддан ташқари марказлашганлиги, бош банклар ва уларнинг филиаллари ўртасидаги жавобгарликнинг аниқ чегараланишига тўсқинлик қилаётганлиги, кредит буюртмаларини кўриб чиқиш механизмларининг мураккаблиги, тижорат банклари томонидан микроқарзлар ажратиш амалиётининг мавжуд эмаслиги, чакана банк хизматлари бозорининг етарли даражада ривожланмаганлиги ва мижозлар билан алоқа каналларининг инновацион турлари мавжуд эмаслиги, банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича давлат процессинг ташкилотининг мавжуд эмаслиги ҳамда банк тўлов карталаридан чет эл валю-

тасини ечиш бўйича чекловларнинг мавжудлиги ва банкоматлар сонининг етарли эмаслиги каби муаммоли ҳолатлар қарор доирасида бартараф этилиши лозим бўлган устувор вазифа сифатида келтириб ўтилди [21].

Бунинг натижасида кредитларни тезкор олиш имконияти, аҳоли учун микрокредит ташкилотлар ва ломбардларнинг хизматлари томонидан берилаётган юқори фоиз ставкаларидаги микроқарзлар мижозларга мақбул фоиз ставкаларида берилиши, бош банкларда андеррайтинг хизматининг ташкил этилиши натижасида мижозларга кредитлар ажратишда ортиқча бюрократия ва сансалорликка чек қўйилди, чакана тўлов тизимларининг хавфсиз, узлуксиз ва ишончли фаолият кўрсатиши йўлга қўйилди, банк тўлов карталаридан чет эл валютасини ечиш бўйича чекловларнинг бекор қилиниши ва банкоматлар сони етарли даражада оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 6 сентябрдаги 20/5-сонли қарорига асосида «Мижозларни рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисида»ги низомга кўра электрон ҳамёнларни очиш ва уларни бошқариш, банк ҳисобварағини, шунингдек, банк картасини очиш ва уларни бошқариш, банк карталари ёки электрон пуллар тизимларидан фойдаланилган ҳолда трансчегаравий пул ўтказмаларини амалга ошириш ҳамда он-лайн микроқарз олиш каби хизматларни кўрсатишда рақамли идентификация қўлланилади. Бунинг натижасида иқтисодиёт ва банк тизимининг трансформациялашуви ҳамда чакана банк хизматларини рақамлаштириш ва автоматлаштириш имкониятлари ошади [22].

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 23 сентябрдаги 3030-7-сонли қарорининг 1-илоvasида «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида»ги низоми ишлаб чиқилди. Ушбу низомнинг 1-илоvasида кредитнинг (микроқарзнинг) тўлиқ қийматини ҳисоблаш тартиби келтирилди.

Банкларда кредитнинг тўлиқ қиймати дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда ҳисобланади. Унга кўра кредитнинг тўлиқ қиймати қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$S = \sum_{i=1}^m \frac{P_i}{(1 + APR)^{t_i/365}} \quad \text{бунда,}$$

S – кредитор томонидан қарздорга ажратиладиган кредитнинг (микроқарзнинг) суммаси;

P_1 – мижознинг кредитни (микроқарзни)

сўндириш учун йўналтирадиган навбатдаги тўлов суммаси (P_i кредитни сўндириш графигидаги пул оқимларини англатади);

APR – кредитнинг (микроқарзнинг) тўлиқ

қиймати (КТҚ);

m – мижознинг кредитни (микроқарзни) сўндириш учун йўналтирадиган тўловлари сони;

i – мижознинг кредитни (микроқарзни) сўндириш учун йўналтирадиган навбатдаги тўловнинг тартиб рақами;

t_i – кредит (микроқарз) ажратилган кундан бошлаб мижоз томонидан сўндириш учун йўналтириладиган навбатдаги тўловга қадар бўлган муддат (кунларда) (Агар истеъмоли ҳар ой сўндирилиб бориладиган кредит (микроқарз) бўйича 5-чи ой учун тўлов қилиши керак бўлса, t₅ – 150 кунни ташкил этади)

Кредитнинг тўлиқ қийматини ҳисоблашда вергулдан кейин бир белгигача яхлит қилиб ҳисобланади. Агар вергулдан кейинги иккинчи белги «5» га тенг ва ундан юқори бўлса, у ҳолда вергулдан кейинги биринчи белги бир бирликка оширилади. Масалан, КТҚ кўрсаткичи 18,66 ни ташкил қилди. У яхлит қилиб ҳисоблангач, 18,7 ҳосил бўлади.

Кредит (микроқарз) жисмоний шахсларга чакана кредитлашда жуда аҳамиятли бўлиб, бугунги кунда банкларнинг микроқарз ажратиш ҳажми кескин ортиб бормоқда. Бунга асос бўлиб кредит (микроқарз) банк томонидан қарз олувчига пул маблағларини тўловлилик, муддатлилик ва қайтаришлилик шартлари асосида бериш ҳақидаги банк ва қарз олувчи ўртасидаги келишув асосида ажратилишидир [23].

Сўнгги йилларда нақд пулсиз ҳисобкитобларни амалга оширишда қулай шарт-шароитлар яратиш борасида асосий эътибор банк карталарига асосланган чакана тўлов тизимлари инфратузилмаси имкониятларини кенгайтиришга қаратилди.

Хусусан, тижорат банклари томонидан «Uzcard» ҳамда «Humo» тўлов тизимларининг миллий валютадаги банк карталари муомалага чиқарилиб, уларнинг инфратузилмаси кенгайтириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги «Пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 445-сонли қарорига асосан Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилиб, «Uzcard» тўлов тизими фаолият юрита бошлади. 2020 йил 11 апрелида эса Ягона умумреспублика процессинг маркази МЧЖга «Uzcard» тўлов тизими оператори лицензияси Марказий банк томонидан тақдим этилди.

Ундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3945-сонли қарорига асосан тўлов тизимида рақобат муҳи-

тини яратиш мақсадида Миллий банклараро процессинг маркази ташкил этилди ва 2019 йилнинг I чорагидан бошлаб «Humo» тўлов тизими ишга туширилди. Миллий банклараро процессинг маркази МЧЖга 2020 йил 11 апрелда «Humo» тўлов тизими оператори лицензияси Марказий банк томонидан берилди.

Мамлакатимизда банк карталари инфратузилмаси 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига 32397 минг дона банк карталари, 430450 та тўлов терминаллари ҳамда 13039 та банкомат ва инфокиосклардан ташкил топган.

2019 йил давомида иккита миллий чакана («Humo» ҳамда «Uzcard») тўлов тизимларининг Visa, Mastercard, China Union Pay ҳамда Мир халқаро тўлов тизимлари билан интеграцияси самарали амалга оширилди. «Uzcard» ҳамда «Humo» тўлов тизимларини ўзаро интеграция қилиш ишлари синов тариқасида иккала тўлов тизими карталарини ўзаро қабул қилишлари учун мазкур тизим тўлов терминалларининг дастлабки интеграцияси 2021 йилнинг 27 декабрида амалга оширилди.

Бу эса ушбу халқаро тўлов тизимлари карталари фойдаланувчилари, яъни мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристлар, меҳмонлар учун кенг шарт-шароитлар яратган ҳолда «Humo» ҳамда «Uzcard» тўлов инфратузилмаси (банкоматлар ва тўлов терминаллари тармоғи) орқали миллий валютада тўловларни амалга ошириш имкониятини беради [24].

Хулоса ва таклифлар. Хулоса ўрнида, тижорат банкларининг чакана хизмат турлари кўпайиб, сифати ва тезлиги яхшиланиб бормоқда, банклараро янги истиқболли мижозларни жалб қилиш учун рақобат сезиларли даражада кучайди. Банклар томонидан чакана мижозлари учун кенг қўламли инновацион хизматлар кўрсатилиши, банкнинг мижозлари талабини ҳисобга олиб ишлаши улар ўртасидаги ишончни оширади. Шунингдек, банкларда чакана хизматлари оммабоплиги ошмоқда, хусусан, банкларнинг ҳудудларга кириб бориши кенгайиб, барча аҳоли пунктларида бир хилда ва турли рақамли хизмат кўрсатишга эришмоқда.

Бизнингча, банкларни рақамли трансформация қилишда муҳим бўлган таклифлар қуйидагича:

чакана банк хизматлари сифати ва қўламини ошириш мақсадида мижозларга тезкор ва қулай хизмат турларини ишлаб чиқиш лозим;

банк пластик карточкалари фойдаланувчиларининг маблағлари бут сақланиши ва тўлов хавфсизлигини таъминлаш зарур. Бунинг учун тижорат банклари банк пластик карточкалари ва мобил иловалари орқали ўтказмалар хавфсизлигини кучайтириши лозим;

чакана банк хизматлари бозорини ва ми-

жозлар билан ҳамкорлик муносабатларини самарали йўлга қўйиш учун ривожланган давлатлар тажрибасини қўллаш;
чакана банк хизматларини рақамлашти-

риш ва уларни тартибга солиб турувчи меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш лозим.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Икрамова Н.Р. Ўзбекистонда чакана банк хизматлари: хориж тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари. // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий-электрон журнали. 1-сон, январь-февраль, 2014 йил.
2. Brown S. Retail. Location: a mikro-scale perspective. Aldershot: Avebury, 1992. P. 11.
3. Управление розничным маркетингом. Пер. с англ. / Под ред. Д.Гилберта. – М., 2005. – С. 10-11.
4. Киселева И.А. «Система математического моделирования банковской деятельности в переходной экономике» автореферат диссертация на соискание ученой степени доктор экономических наук. – М., 2000.
5. Жуков А.И. Банковская система России. – М.: Проспект, 2009. С. 186.
6. Matadiyarov Z. Evolution and development steps of remote banking services in commercial banks (international experience), *International Finance and Accounting: Vol. 2018: Iss. 5, Article 27*. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss5/27>
7. Науменко А.А. «Развитие услуг коммерческих банков для розничных клиентов» автореферат диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук – Саратов, 2009.
8. Калистратов Н.В., Кузнецов В.А., Пухов А.В. Банковский розничный бизнес. – М., 2006. С. 78.
9. [Matadiyarov Z. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларининг меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан ривожланиш босқичлари. Архив научных исследований. 2020. 1\(24\). Извлечено от https://tse.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2873](https://tse.scienceweb.uz/index.php/archive/article/view/2873)
10. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ЎРҚ-582-сонли қонуни.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 ноябрдаги «Банklar ва банк фаолияти тўғрисида»ги ЎРҚ-580-сонли қонуни.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 7 ноябрдаги «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги ЎРҚ-578-сонли қонуни.
13. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 15 ноябрдаги «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги ЎРҚ-573-сонли қонуни.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5953-сонли фармони.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги «Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5886-сонли фармони.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ««Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079-сонли фармони.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3945-сонли қарори.
21. [Matadiyarov Z. Raqamli transformatsiya jarayonida bank xizmatlarini masofadan kursatishni innovatsion rivojlantirish istiqbolлари. // Scientific Journal of «International Finance & Accounting», 2022.](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a22)
22. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 6 сентябрдаги 20/5-сонли қарорига асосида «Мижозларни рақамли идентификация қилиш тартиби тўғрисида»ги низом.
23. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 23 сентябрдаги 3030-7-сонли қарорининг 1-иловасида «Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисида»ги низоми.
24. [Банк қарталари асосида банклараро чакана тўлов тизимлари – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки \(cbi.uz\).](https://cbi.uz/)



O'ZBEKISTONNING GLOBAL SUVEREN KREDIT REYTINGIDAGI O'RNINI YAXSHILASH YO'LLARI

Shamusalov Sarvar –
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti
mustaqil tadqiqotchisi

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a22](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a22)

Annotatsiya. Ushbu maqolada suveren reyting va kreditlarning ilmiy-nazariy jihatlari va ularga ta'sir etuvchi moliyaviy-iqtisodiy ko'rsatkichlar tadqiq etilgan. Shuningdek, xalqaro reyting agentliklari tomonidan O'zbekistonning suveren kredit reytingini baholash amaliyoti va so'nggi yillardagi xalqaro indeks va reytinglardagi o'rnini tahlil etilgan, reytinglardagi o'rniga ta'sir etuvchi salbiy omillar tizimlashtirilgan hamda 2024-yilgacha bo'lgan prognozlarini ishlab chiqilgan. Tahlillar natijasida mamlakatimizning Global suveren kredit reytingidagi o'rnini yaxshilashga qaratilgan ilmiy takliflar tayyorlangan.

Tayanch so'zlar: suveren kredit reytingi, Standart&Poor's reyting agentligi, O'zbekistonning suveren kredit reytingi, aholi jon boshiga to'g'ri keladigan o'rtacha YaIM, xorijiy investitsiyalar, tashqi qarz, kredit reytingini baholash metodologiyasi.